

ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ		номли катта гуруҳ					
Мавзу		“Хайвонлар ва қушлар билан дўстлашамиз”					
Давр		Февраль ойининг 2ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;	Болаларга бир меъёрда жисмоний ривожланишига қўмаклашиш. Машқларни барча турини англаган ҳолда бажаришга еришиш (асосий ҳаракат умумривожлантирувчи машқлар) сафда жуфт бўлиб ҳар хил буйруқларни бажартириш. Болаларни енгил югуришга ўргатиш.					
	ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Болани дунё қараши эмотсионал ҳиссий тимсолий тафаккурини ривожлантириш. Жонли табиат билан мулоқат учун имкон яратиб бериш.					
	нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;	Нутқда оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда болаларга суратга қараб хикоя гузишга ўргатиш, сўз луғатини бойитиш, тўғри нутқни шакллантиришни давом этиш.					
	билиш жараёнини ривожланиши;	Болалар билан биргаликда табиатга бўлган ижобий муносабатларни тушунган ҳолда қоидаларга риоя этиш.					
	ижодий ривожланиш.	Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ижодида (аппликация, хайкалтарошлик) ҳар қил воситалардан фойдаланган ҳолда руёбга чиқариш.					
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Фронтал машгулот							
Мустақил таълим фаолияти	Қурилиш ва конструктор ўйинлар	Қоғоздан кабутар ясаш		Гулки ясаш (лего)			Қоғоз, леги, конструктор.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	“Эчки болалари”эртагини сахналаштириш			Қўлқоп театири (болалар танловига кўра)		Ниқоблар, қўлқоп ва ширма
	Нутқ ва тил	Хайвонат боғига саёхат (АКТ)					Дунё мамлакатларидаги хайвон ва ўзимликлар қақида филм
	Фан ва табиат маркази	Ғажриба иши қум, тош, тупроқ, сув хусусиятлари		Ғажриба иши хона гуллари			Қум, тош, тупроқ, сув ва гуллар
	Санъат маркази	“Хайвонат оламида” албомини томоша қилиш			Кабутар расмини низиш, лой иши қуш уясини ясаш		Қоғоз, мўйқалам, салфетка, пластилин, тахтача

ФЕВРАЛЬ 2 ҲАФТАСИ

«Хайвонлар ва қушлар билан дўстлашамиз»

Қуриш-ясаш маркази

Қоғоздан “Қабулар» ясаш

Мақсад: чизма бўйича ишлаш кўникмасини шакллантириши, майда маторикани ривожланиши, қабулар турларини ўрганиши, аригами усулини билиши..

Жиҳоз ва материаллар: А4 форматидаги, елим, қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қабулар ҳақида топишмоқ айтиши.
2. Қабуларни қоғозни буклаш орқали ясаши.
3. Қабуларни учуриб кўриши.
4. Қабуларни ясаш турларини билиши.

Қўшимча қисм: Қабуларни бирма-бир учуриб кўришлари.

Эътиборга молик жиҳати: Оригами усулида ишлаши, буклаш орқали ясаш турларини билиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

«Эчки болалари» эртагининг инсценировкаси

Мақсад: халқ ижодидаги эртақларни билиши, яхши ёмонни фарқлаши, актёрлик маҳоратини шаклланиши, нутқларини равон бўлиши, муסיқага туша олиши.

Жиҳоз ва материаллар: кийимлар, ниқоблар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртақ сужетини эсга олиб хикоя қилиниши.
2. Эртақни сахналаштирилишини режалаштириши.
3. Ролларни бўлиб берилиши.
4. Ҳаёт ҳавфсизлиги асослари.

Қўшимча қисм: эртақни ўқиб бериши, хикоя қилиб бериши, бошқача якун топиши.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро хурмати, нутқи ва ижодий сифатларининг шаклланишига.

“Тил ва нутқ маркази”

Мавзу: «Хайвонот боғига саёхат» АКТдан фойдаланган ҳолда.

Мақсад: Дунё мамлакатларидаги хайвонлар ҳақида тушунчага эга бўлади, номларини билади, уларни фойдали ва зарарли жиҳатларини фарқлайди ва ўлкамизда яшовчи хойвонларни билади.

Жиҳоз ва материаллар: АКТ, хайвонлар расми, макетлар.

Фаолиятнинг олиб бориши:

1. АКТ орқали кўрсатиши.
2. Сўхбат ўтказиши.
3. Ҳаракат ва товушларга тақлид қила олиши.
4. Ҳаракатли ўйин (ихтиёрий).

Қўшимча қисм: Хайвонлар ҳақида мултфилм томошаси.

Эътиборга молик жиҳати: Хайвонлар ҳақида хайвонлар тузиши, ҳаракатларни бажара олиши.

Илм ва табиат маркази

Мавзу: “Тажриба иши қум, тош, тупроқ, сув хусусиятлари.”

Мақсад: Мустақил ҳолда берилган вазифани ечади, хулоса чиқара олади, мулоқатга киришади, мантикий фикрлаши ўсади. Табиатдаги қаттиқ жисмлар ҳақида билимга эга бўлади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қум, тош, тупроқ, сув.

Фаолиятнинг олиб бориши:

1. Қум, тош, тупроқ, сув ҳақида тарбиячи хикояси.
2. Қум, тош, тупроқ, сувни фарқини ва ўхшашлилигини ажратиши.
3. Тупроқ ва сувни аралашлириб, буюмлар ясаши.
4. Кўзни юмиб, пайпаслаб қум, тош, тупроқ, сувни номларини топиши.
5. Қум, тош, тупроқлардан фойдаланиб расм чизиш, шакллар яратиши

Қўшимча қисм: Қум, тош, тупроқ, сув ҳақидаги фильмлар кўриши.

Эътиборга молик жиҳати: марказда ишлаш чоғида хавсизлик қоидаларига риоя этиши.

Санъат маркази

«Хайвонот оламида» альбомини томоша қилиш.

Мақсад: хайвонларни фарқини, номини билади, жамоада ишлашни, хайвонлар ҳақида хикоя тузишни билади. Расмларни ўхшатиб чизади.

Жиҳоз ва материаллар: Хайвонот оламида альбоми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Альбомни диққат билан билан кузатиши.
2. Хайвонот олами ҳақида суҳбат ўтказилиши.
3. Хайвонлар овозига тақлид қилиш хатти-ҳаракатларини кўрсатиб бериши.
4. Хайвонот олами ҳақида билимларини совоқлар орқали аниқланиши.

Қўшимча қисм: Хайвонларни расмини чизиш, альбомни томоша қилиш, ўхшаша жиҳатларини аниқлаш, фарқини топиш.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккури, диққати, хотираси, нутқининг ривожланиши, расмни чиза олиши.

Қуриш-ясаш маркази

“Тулки” ясаш (лего)

Мақсад: суръат ва чизмага қараб, шахсий фикрга асослиб тулкини қуради, ранги ва ҳажминини ажратади, санок ва ҳисобни билади, майда маторикани ривожланади, фигураларни тўғри танлай олади.

Жиҳоз ва материаллар: лего тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тулки расми акс этган суратларни томоша қилиши.
2. Болалар билан ясашни режалаштириши.
3. Қуриш-ясаш ишларини олиб бориши.
4. Болаларнинг ишларини муҳакама қилиши.

Қўшимча қисм: АКТ дан фойдаланиш.

Эътиборга молик жиҳати: Ижобий, ижодий тасаввурини ривожланиши, вазифаларни тахсимланиши.

Фан ва табиат маркази

“Хона гуллар”ини ўсишини кузатиш.

Мақсад: Хона гулларида каткус, фиалка, бегоня...ни ўсиши, қандай парвариш қилиши ҳақида маълумотга эга бўлиши, табиатга хона гулларига нисбатан меҳрларини таркиб топиши.

Жиҳоз ва материаллар: Хона гуллари, лейка, тупроқ юмшатгич, сув ўғитлар.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Хона гуллари ҳақида суҳбат ўтказилиши.
2. Гулларни парваришlash учун жойни тайёрлаши.
3. Гуллар тагини юмшатиш, ўғит бериш, сув қуйиши.
4. Тажрибани кузатилиши.

Қўшимча қисм: Гулларни танлаб олиши ва парваришlash.

Эътиборга молик жиҳати: Гулларга эҳтиёткорона кетма-кетликда парвариши, мунтазам кузатиб борилиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

Қўлқоп театри. (Болалар танловига кўра)

Мақсад: Театрлаштирилган ўйинга қизиқади, эртак мазмунини ижодий кетма-кетликда қўйяди. Қўлқоп театри билан ишлайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўлқоп театри қўғирчоқлари.

Фаолиятнинг олиб бориш:

1. Танланган эртакни ўқиб бериши.
2. Сахналаштирилган ўйин учун сюжетни яратиши.
3. Ролларни тахсимлаши, образларга кириши.
4. Эртак мазмуни бўйича таҳлил қилиниши.

Қўшимча қисм: Эртак асосида яратилган мультфильмни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг тасаввурларини ривожлантириши, ўйинда дўстона муносабатга киришиши .
2. Халқ оғзаки ижоди орқали болаларнинг нутқини ривожлантириши.
3. Болаларнинг ижодий қобилиятларини намоиш этишга имкон яратиши, актёрлик маҳоратини тарбиялаши.

Санъат маркази

“Кабутар” расмини чизиш

Мақсад: кабутар расмини намунага қараб чиза олади, ижодий тасаввури диққати ривожланади, кушларга нисбатан меҳри ортади.

Жиҳоз ва материаллар: қоғоз, рангли бўёқ, мўйқалам, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кабутар шаклини хосил қилиш учун ранглари танлаши.
2. Намуна кўзатиши..
3. Ижодий фаолиятини тайёрлаши.
4. Намунага қараб чизиш малакасини борлиги.

Қўшимча қисм: мавзуга оид хикоя тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: Ижодий қобилиятларини ўсиши фаолиятлардан намунадан фойдаланиши.

Санъат маркази

“Қуш уяси” ни лойдан ясаш.

Мақсад: Қуш уяси ҳақидаги билимларни билади, лойдан ясаш йўллари ўрганади. Майда маторика ривожланади.

Жиҳоз ва материаллар: Лой, килёнка, ип, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уяни ясаш усулини тушунтирилиши.
2. Намуна кўзатиши..
3. Ижодий фаолиятини тайёрланиши.
4. Намунага қараб ясаш малакасини борлиги.

Қўшимча қисм: Шеър ёдлатиш..

Эътиборга молик жиҳати: Ижодий қобилиятларини ўсиши фаолиятлардан намунали фойдаланиши.